O`ZBEKISTON RĒSPUBLIKASI
FARG`ONA VILOYATI
QUVA TUMANI
HOKIMINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
КУВИНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 yil « 18 » 08

3679 - сонли

Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги хар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида

Қува тумани халқ таълими бўлимининг 2019 йил 22 июлдаги “Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисидаги” 296-сонли мурожатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-боб 39-банди ва Маҳаллий Давлат хокимияти тўғрисидаги Қонуннинг 6.25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Қува тумани халқ таълими бўлимининг 2019 йил 22 июлдаги “Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисидаги” 296-сонли мурожатигмаъқуллансин.

2. Қува тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасаларига ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш жадвали иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. “Қува хаёти” газетаси тахририяти (З.Алиева), Қува туман хокимлигининг Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (Д.Хасанов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва хокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокими ўринбосари М.Туримов ва туман халқ таълими бўлими мудири Д. Юнусовлар зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **Р.Қурбонов**

BAYON QISMI